

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (10.902)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



Кўшма корхоналарда

### ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, АЛБАТТА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЮКСАЛИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ БАРОБАРИДА, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛМОҚДА.**

Айниқса, уларнинг бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритаётганлиги муваффақиятларига асосий омил бўлиб, харидор-боп махсулот турлари кўпайишида, ишлаб чиқариш ҳажми орттишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай корхоналар орасида «Совплас-титал» кўшма корхонасининг ўрни бўлиб, бу ерда изланувчан тадбиркорларнинг меҳнати эвазига пластмасса, рангли шиша, чинни, сопол ва бошқа хом ашёлардан унумли фойдаланган ҳолда тайёрланаётган махсулот турлари 8 мингтадан зиёдни ташкил этади. Харидор дидига мос, талаб ва эҳтиёжини қондираётган ушбу махсулотлар маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан тайёрланмоқда. Уларга маҳаллий хом ашё етказиб беришда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Шуртангазим» мажмуасининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Корхона дизайнер-рассомларининг изланишлари ҳар бир тайёрланаётган махсулот турларида, кўринишида яққол кўзга ташланмоқда. Улар орасида уй-рўзгор буюмлари, турли эсдалик совғалари, гуллар, ўйинчоқлар фақат юрти-мизда эмас, балки хориж бозорига ҳам харидоргирилги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда корхона цехларида ишлаб чиқарилган чиннидан ишланган жозибдор буюмлар, пластмассадан тайёрланган стол-стуллар, гул ва дарахтлар, стадион ва теннис кортлари учун бежирим ва кулай ўриндиқлар, кўйинги, барча-барча махсулотлар ўз харидорини топаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, бу ерда корхона, ташкилот ҳамда кўплаб фирмаларнинг буюртмалари асосида полиэтилен пакетлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Экспорт ҳажмини кўпайтиришни мақсад қилган корхона аҳли махсу-

лот турларини тез-тез янгилаб боради, кўплаб халқаро кўргазма ва танловлардаги иштироки ҳам ташқи бозорни ўрганишда, шартномалар имзолашда кўл келмоқда. Тайёрланаётган махсулотларнинг 20 фоиздан ортиги эса Россия, Қозғоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Келгусида эса хориж бозорига ўз ўрнини кенгайтиришга интиляётган тадбиркорлар жаҳон андозалари даражасидаги махсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишган.

Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида нафақат пойтахтда, балки мамлакатимиз вилоятларида ҳам корхонанинг фирма дўконлари очилган. Самарқанд, Фарғона ва Ўрғанча ана шундай фирма дўконлари ишлаб турибди. Қозғоғистон ва Россияда савдо уйлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Келгусида эса савдо уйлари ва дўконларини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ижросини таъминлашга корхона тадбиркорларининг қўшаётган ҳиссаларини ҳам таъкидлаш ўринли. Айни пайтда корхона қасаначилигининг сафи ҳам 60 нафарга етмоқда. Улар хонадонларида корхона буюртмаларини бажараётган хотин-қизлардир.

Сирасини айтганда, қўшма корхонада изланишлар асосидаги сайёҳаракатлар муваффақиятларга асосий омил бўлмоқда. Ушбу муваффақиятлар эса махсулот турлари ва сифатида, ишчи-хизматчиларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитларида ўз аксини кўрсатиб турибди.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТДА: янги махсулотлар тайёрланмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЎН ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, "...ЮРТИМИЗДА ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҚАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСГА ЭГА БЎЛГАН ИШОНЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНДИ ВА У АМАЛДА ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА. АММО БУНДАЙ ЎТА МУҲИМ ЙЎНАЛИШДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ ҚАЙД ЭТГАН ҲОЛДА, ҲАЛИ ЭЧИЛАМАН МАСАЛАЛАР, БАРТАРАФ ЭТИШ ЗАРУР БЎЛГАН КЎПГАНА МУАММОЛАР БОРЛИгини ҲАМ ТАН ОЛИШИМИЗ ЛОЗИМ. БУ БОРАДА БИРИНЧИ НАВБАТДА ОЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСАТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ВА ҚОНУНИЙ НОРМАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСТИДА ИШЛАШНИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЎЗИ ТАҚЗО ЭТМОҚДА".**

Мамлакатимизда 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-573-сонли Қарори қабул қилинганлиги ҳам давлатимиз бошчилиги томонидан илгари сурилган вазифаларнинг баъоят долзарблиги ва алоҳида аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ташкил этган давра суҳбати «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари» деган мавзуга бағишланди. Тадбирда фуқаролар давлат пенсия таъминотининг мавжуд ҳуқуқий базасини янада такомил топтириш масалалари атрофида муҳокама этилди, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ равишда амалга оширилаётганлиги айтиб ўтилди. Мазкур Қонунда давлат пенсияларининг мавжуд ҳуқуқий базасини, ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси сингари турлари белгиланган.

Иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётганлиги натижасида бизда Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан пенсиялар тўлашга йўлланаётган харажатлар ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан ҳукумат ҳар йили махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари ўз нутқларида давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосларини, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришнинг долзарб вазифаларини, юқорида зикр этилган Қонунни янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил этишга, шунингдек ижтимоий ҳимоя ҳуқуқини илмий жиҳатдан ривожлантиришга муфассал тўхтадилар.

Шу билан бирга тадбир иштирокчилари жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш вазифаларини инобатга олган ҳолда давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини тақомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратдилар, бу борада жўяли фикр-мулоҳаза ва аниқ тақлифлар билдирдилар.

Фикр алмашув якунлари асосида иштирокчилар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишга бевосита қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Давра суҳбати ишида сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳудудий таркибий бўлинмаларининг, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати



## ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

**ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ТОШКЕНДА "ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ" МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. У МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ ЖАМГАРМАСИ (ЎЗБЕКИСТОН) ВА ҲИНДИСТОННИНГ ҚИШЛОҚ ВА САНОАТ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. АНЖУМАНГА КўПЛАБ МАМЛАКАТЛАРДАН УШБУ МАСАЛАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СИЁСАТШУНОСЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАР ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Анжуман иштирокчилари Тошкент яна бир бор демократик қурилиш ва дунёда, жумладан Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги каби замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўйича очик мулоқот ўтказиладиган жойга айланганини қайд этдилар. Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, бу Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар бераётган самаралар билан боғлиқ. Мазкур ўзгаришларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси эса демократик жамият қуриш йўлидан бораётган бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий экспертлар Президент Ислам Каримовнинг геосийёсий ёки бошқа мақсадларда демократияни «экспорт» қилишга қарши сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Ж.Маршал номидаги Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) профессори Евгений Вертлибнинг фикрича, айнан Ўзбекистон биринчи бўлиб бундай макорона демократлаштиришнинг салбий оқибатларини англаб етди ва собиқ шўро ҳудудига «рангли инқилоблар» тўлкинини тўхтапти қолди. Чунки, бундай харажатлар замирида демократия, демократик кадрлар ва инсон ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш ширини никоб қилиб олган, аввало, жаҳонда ўз мафқураси ва таъбирини ўтказишга, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги катта миқдордаги энергетика ресурсларини ва уларни қайта тақсимлаш имкониятини қўлга киритишга интиляётган айрим қудратли давлатлар, кучлар ва марказларнинг геосийёсий ҳамда геоиқтисодий манфаатлари ётади.

Ўзбекистон ҳар доим Европада ва дунёда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлиб келган, — деб таъкидлади Франциянинг Стратегик ва халқаро муносабатлар институти бош тадқиқотчиси Пьер Шабаль. — Ўзбекистон ўз демократик ривожланиш йўлини танлаб олиб, сиёсий тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш йўлидан изчил ва қатъий бормоқда. Яқинда мамлакат Президентини ташаббус билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинган, бу ижобий жараён сифат жиҳатдан янги, янада юқори даражага кўтарилди. Мазкур ҳужжат сиёсий партияларни янада фаоллаштириш ва партияларaro рақобатни ривожлантириш учун зарур асос ва шароитларни яратди.

(Давоми 2-бетда)

## Қасқа сатрларда

●ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорликларида аёллар саломатлигини асраш бўйича тайёрланган лойиҳа доирасида шахримизда шифокорлар иштирокида семинар ўтказилди.  
●ТОШКЕНТ шаҳар Стандарташтириш

ва метрология бошқармаси ҳамда Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамкорликларида туман фаоллари иштирокида уюштирилган тадбирда махсулотлар сифатини янада яхшилашда сертификатлашнинг аҳамияти борасида сўз борди.  
●БУГУН Тошкент иختисослашган хотин-қизлар коллежида «Камолот» ЕИХ Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўқувчи қизлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Кийиниш маданияти» деб номланди.  
●ЎЗБЕКИСТОН Давлат жисмоний тарбия институтида «Камолот» ЕИХ Тошкент

шаҳар, Учтепа туман бўлимлари Кенгаши ҳамда «Камолот» ЕИХ бошланғич тақлимоти ҳамкорликларида «Камолот» юлдузлари-2007» мавзусида уюштирилган кўрик-танловда иқтидорли талабалар ўзаро беллашди.  
●ТУРКИСТОН саройида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртилари жамоалари ўртасида ташкил этилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг ярим финали голиблари аниқланди.  
●ШАХРИМИЗДА кўз касалликларини даволашнинг замонавий усулларида ба-

ғишлаб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган илмий-амалий анжуманда маҳаллий ва хориқлик офтальмолог шифокорлар иштирок эттиди.  
●ШАЙХОНТОХУР туманидаги транспорт қасб-хўнар коллежида ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида «Очик эшиклар кўни» тадбири ўтказилди.  
(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари дастлаб иккинчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

●БУГУН Самарқандда «Ўзбек Миллий кино санъати» кунлари очилди. «Ўзбекистон миллий агентлиги» ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилаётган мазкур тадбир Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланади.

●Жиззахда прокуратура идоралари ҳамда адлия бошқармаси ходимлари иштирокида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

●Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги 19-мактабга ҳомийлар томонидан сўнги русумдаги «Пентиум-4» компьютерларидан 15 таси тўхта этилди. Натижада компьютерли махсус синф хонаси очилди.

●Қашқадарёда академик лицейлар ва коллежалар талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Ахурамазда» жамоаси голибликни қўлга киритиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

●Андижон қишлоқ хўжалик институтида «Биосервис» илмий ишлаб чиқариш маркази ишга туширилди. Ушбу марказ таркибидagi биологаторияни жиҳозлаш мақсадида 122,5 миллион сўм сарфланди.

●Кўрғонтепа туманида 7 минг погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Кўштепатеқстил» қўшма корхонаси қад ростланмоқда. Янги тўқимачилик корхонаси хитойлик сармоядорлар билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда.

●Қаршидаги «Ўзликни англаш маркази»да фольклор этнографик жамоалари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Унда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг «Насаф навалари» дастаси биринчи ўринни эгаллаб совринни қўлга киритди.

●Самарқандда мактаб ўқувчилари ўртасида «Ватан остонадан бошланади» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоят мактабларида ташкил этилган «Тарихий ўлкашунослик» тўғрақлари аъзолари қатнашди.

## ЖАҲОНДА

●Сербия парламенти мамлакатнинг янги ҳукумати таркибини тасдиқлади. Олдиндан қутилганидек, мамлакат вазирлар маҳкамаси раҳбари Воислав Коштуница ўз лавозимида қоладиган бўлди.

●«The Washington Times» газетаси хабарига қўра, Ню-Йорк мэри Майкл Блумберг ўзининг шахсий жамғармасидан Президентлик учун бўлиб ўтадиган сайловолди кампаниясига 1 миллиард доллар маблағ сарфлашга қарор қилди.

●«ХАМАС» ҳаракатининг қуролланган тарафдорлари «ФАТХ» ташкилотининг юқори лавозимли шахсларидан бўлган Абу Шбаканинг уйига ҳужум қилдилар. Отишмалар чоғида Шбаканинг 4 нафар кўрикчиси ўлдирилди.

●AFP агентлигининг хабарларида айтилишича, Европа Иттифоқи ва Россия ўртасидаги битимнинг имзолашига Польша қаршилиқ қилишда давом этмоқда. Айни дамда Польша Европа Иттифоқидан энергетик хавфсизлик масаласи ва транспортровка бўйича ягона позицияни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

●МАГАТЭ экспертлари Эрон урани бойитиш бўйича олиб бораётган тадқиқотларини янги босқичга кўтарди, деган хулосада. МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал-Барадеи эронлик олимлар урани бойитишда анча тажриба тўплашганини ва барча технологияларга эга эканлигини билдирди.

●Франция раҳбари Жак Ширак ўзининг президентлик мuddати туғаси муносабати билан телевидениеда чиқиш қилди, у ўз ўрнини Николья Саркозига бўшатиб беради экан, унга омадлар тилади ҳамда францияликларни бирдамликка чақирди.

●Бу йилги баҳорнинг иссиқ ҳарорати Европада рекорд даражага етди. Март ойидаёқ Европада ҳарорат меъёрдагидан 5 даража юқорига чиқди. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти оғохлантиришларига қўра, ёз айниқса Скандинавияда ўта иссиқ келиши кутилмоқда.

●«Nokia» компанияси жорий йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб мобил телефонлар бозоридagi ўрнини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунга келиб йирик фин компанияси мобил телефонлар бозорининг салкам 36 фоизини эгаллаб турибди.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 18 май кўни Тошкентда ҳаво ўзгариш туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Фардан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 10-12, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

## ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ — МУТАХАССИСЛАР ЕТУҚЛИГИДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Шаҳар қурилиши ва хўжалиги технологиялари ва усулларининг мавжуд босқичларда ривожланиши нафақат модернизация, бинолар реставрацияси, капитал шаҳар қурилиши фонди ҳолатидаги камчиликларни бартараф этиш билангина чегараланмайди, балки у қулай экологик муҳитни таъминлаш, шаҳар ҳудудлари санацияси, шаҳар транспорт тизимларини оптималлаштириш, шаҳар аҳолиси турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш, ХУЖМШ (хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари)ни ташкил қилиш ҳамдир.

Замонавий иқтисодиёт шароитларида ушбу давстри амалга ошириш учун мутахассислар тайёрлаш жараёнини кўчатириш, шаҳар қурилиши ва хўжалиги учун бошқарув кадрларини мақсадли шакллантириш зарур ҳисобланади. Ўзбекистон таълим тизими реформаси бўйича дастурий ҳужжатларда шундай мақсад кўйилган, унда республикадаги таълим шундай даражага етиши керакки, шу ҳолдагина рақобатбардор кадрлар тайёрлашни таъминлаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Жамият ривожини аниқловчи омиллар — бу кадрларни компетентлиги, квалификацияси ва юқори фуқаролик маъсулиятидир. Шу мақсадда Тошкент Архитектура-қурилиш институтида 1991/1992 ўқув йилларида профессор Б.Раҳимов раҳбарлигида «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» кафедраси ташкил қилинган.

Ушбу кафедра ўзининг асосий вазифаси қилиб шундай бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни қўйганки, бунда улар капитал қурилиш шакллари доирасида, шаҳар хўжалиги тизимида, Ўзбекистоннинг қурилиш индустриясида ташкиллаштириш, бошқариш ва менежмент, замонавий қурилиш технологияларини қўлай оладилар, ҳаётга шарҳозликнинг янги ютуқларини тадбиқ этиб, мамлакат шаҳар қурилиши ва хўжалигини техник қайта қуришни олдига қараб илдамлаштирадлар.

«ШХ» йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласини енчида асосий ўринни кафедранинг профессор — ўқитувчилар таркиби эгаллайди. Кафедранинг педагог коллективи ўз ишини домий фаоллаштириб, қурилиш-хўжалик тармоғидаги дастурий мақсадни аниқ қўйиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиб келмоқдалар.

Кафедрамизда куйидаги мутахассислар тайёрларлиги амалга оширилади: бакалавр даражасида — ШХ бакалаврлари ҳамда «Сервис» (турар жой -коммунал ва хизмат кўрсатиш) йўналиши бўйича янги битирувчилар ва параллел равишда ШХ йўналиши бўйича профессионал-педагог бакалаврлар; магистратура босқичида — 5А 580302 «Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш» ва 5А 340102 «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги иқтисодиёти» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Бакалаврлар ўқув режаси доирасида кафедра битирувчиларига келгуси мутахассислиги учун ориентация ва умумий йўналиш бериллади, магистрлар тайёрлаш босқичида эса профессионал мутахассислар тайёрлаш амалга оширилади. Магистр босқичидаги кафедра битирувчилари илмий ва амалий муаммолар билан, яъни урбанистика шаҳарсозлик, шаҳар муҳити реконструкцияси ишлари билан шугулланишлари мумкин.


Хозирги кунда кафедрамизда иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Б.Раҳимов, техника фанлари номзодлари, доцент С.Қосимова, М.Холмуродов, Д.Қамбаров ва катта ўқитувчилар: А.Гриценко, О.Бадер, Н.Топилова ва ассистент Б. Муталова фаолият кўрсатмоқдалар.

«ШХ» магистрлари диссертациялари бўйича раҳбарлик қилиши ва махсус илмий тайёргарлик учун илмий-тектириш ва лойиҳалаш институтларининг етакчи мутахассислари профессорлар Х.Жумабоев, Б.Кальметов, доцент Ш.Шоҳалимов, техника фанлари доктори С.Хўжаев, техника фанлари номзоди А.Рашидхўжаевлар тақлиф этилиб, уларнинг тажриба ва билимида самарали фойдаланилади.

Кафедрамизда ўқув жараёнида янги педагогик технологиялари, компьютер техникасининг қўлланилиши билан ўқатишнинг янги шакли ва усуллари фаол ўқатилади ҳамда битирувчи-мутахассисларнинг иқтисодий сифатларини ривожлантириш усуллари қўллаш билан олиб борилади.

Бакалаврларнинг битирув ишлари ва магистрларнинг диссертациялари Тошкент шаҳрининг реал объектилари — турар-жой ва жамоат биноларини реконструкция ва модернизация қилиш, ҳудудий режалаш тизимлари долзарб мавзулари бўйича бажа-

**ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАРУР ТАРМОҚЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, УНГА АҲОЛИ СОНИНИНГ ҲАМДА УНИНГ ЭХТИЁЖЛАРИНИНГ ОРТИШИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА УЛАР УЧУН МЕХНАТ ҚИЛИШ ВА ДАМ ОЛИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР КИРАДИ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҲАМДА ҲАМДА ФУНКЦИОНАЛ ПРИНЦИПЛАРНИНГ МАЪЛУМ ДАРАЖАДА ЯНГИЛАНИШИГА БОҒЛИҚДИР.**



рилади.

«Шаҳар қурилиши хўжалиги» кафедраси ҳар йили профессор-ўқитувчилар таркиби, кафедра аспирантлари ва иқтидорли талабалар иштирокида институт илмий-амалий конференцияларининг махсус секцияларини ўтказиб келмоқда. Мутахассислик бўйича талабалар олимпиадалари доимо ўтказиб борилади. Кафедра талабалар илмий жамияти ташкил қилинган бўлиб, уларнинг маърузалари илмий ишлар тўпламларида чоп этилмоқда ва ТАҚИ талабалар илмий ишлари талловларида катнашиб келади.

«ШХ» кафедраси томонидан ўқув жараёнида иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш учун шахсий режалар ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган ҳамда ушбу талабалар билан махсус курслар бўйича кенгайтирилган консултациялар ва қўшимча дарслар ташкил қилинган. Ҳуққидоғ аҳоли ютуқлари ва илмий, жамоат ишларидаги фаол иштирокларини учун Р. Латипов, Д.Топилова, А.Абдуқодиров сингари талабаларимиз «Алқур» ва Беруний номли Давлат стипендияси совриндори бўлдилар.

Кафедра томонидан хозиргача 200 дан ортиқ мутахассис тайёрланди ҳамда улар қурилиш ташкилотларида, шаҳар ҳудудини ободонлаштириш корхоналарида, турар-жой, жамоат ва саноят биноларини таъмирлаш, эксплуатация қилиш ишларида лойиҳалаш ва илмий-тектириш институтларида, Тошкент шаҳридаги ва республика вилоятларидаги ҳокимиятларда ишламоқдалар.

«ШХ» кафедраси Нижегород Архитектура-қурилиш академияси, Челябинск Архитектура-қурилиш ва Чимкент кимё-технология институти, Волгоград Давлат Архитектура ва қурилиш академияси, Новосибирск

бирск Давлат Архитектура-қурилиш университети билан дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини боғлаб, ўқув усуллари ва илмий ахборотлар билан ўзаро алмашиб турадилар. Хозирги кунда Веймер шаҳридаги (Германия) Архитектура-қурилиш академияси ва Лион Архитектура мактаби билан ҳамкорлик шартномаларининг лойиҳалари тайёрланган.

Кафедранинг филиаллари Информатика институтида, УЎЛТИТИ, «Тошўйжой-лойиҳа» институтида жойлашган ва талабалар бу ерда замонавий усуналар, компьютерлар, техника воситалари, кутубхона, корхона амалиётхоналаридан умумий фойдаланиб, маъруза ва амалий машғул ўтказишади.

«Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» кафедраси жамоаси Республикамиз учун зарур бўлган «ШХ» мутахассисларини ва «Сервис» йўналиши бўйича битирувчиларини тайёрлаш бўйича турли ҳамкорлик вариантларини конструктив муҳокама қилиш учун доимо тайёр туради ҳамда уларни мақсадли равишда ишга жойлаштириш ва ўзаро маълум тақлифлар юзасидан самарали ишлар олиб боришмоқда. Илмий-ишларимиз самараси эса ҳар йили кафедрамизда тайёрланаётган етук мутахассисларнинг билим ва тажрибасида, уларнинг халқ хўжалиги ривожига қўшадиган ҳиссасида яққол исботини топади.

**Саодат ҚОСИМОВА,** кафедра мудир, техника фанлари номзоди, доцент, **Ольга БАДЕР,** Наргиза ТОПИЛОВА, катта ўқитувчилар **СУРАТЛАРДА: кафедра фаолиятидан лавҳалар**

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳиндистоннинг «Эйшн Эйж» («Осиё асри») газетаси бош муҳаррири Мубашар Жавед Акбарнинг фикрича, Ўзбекистонда аввалбошданок ўзгалардан нусха кўчириш йўлидан борилмади, балки жамиятни демократлаштиришдан мақсад адолат, тенглик ва эркинлик тамойилларига мос келадиган амалий натижаларга эришишдан иборат, деб белгилаб олинди. Демократияни экспорт қилиш ёки бу жараёни сунъий равишда тезлаштириш мумкин эмас. Жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш шакллари ҳар бир мамлакат бирон-бир давлатнинг истиғи ёки қимларинидир хомхўрали билан эмас, балки ўз халқининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди.

Ўзбекистонда юриллаётган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга доир сиёсат замирида умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигига эришиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш вазифалари муҳасам. Бу, ўз навбатида, қонунчиликни такомиллаштириш, одамлар ва мамлакат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятини ошириш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг тобора ошиб бораётгани, уларнинг кенг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Уларнинг сайловларда ўз хоҳиш-иродасини очик намоён қилиши, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ошкоралик ва транспарентлик таъминланган. Парламентга сайловларда сиёсий партиялардан номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши мамлакат ҳаётига демократик мезорларнинг янада кенгроқ кириб бораётганига яққол мисол бўла олади.

— Мамлакатингиз илғор ва оқилона танланган тараққиёт йўлидан бормоқда, — деб таъкидлади конференцияда Буюк Британиянинг Қирролик халқаро муносабатлар институти илмий ходими, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акнер. — Ўзбекистонга тазйик ўтказишга доир барча уринишлар мутлақо асоссиздир. Аслида, демократия широрлари остида айрим-айрим мамлакатларининг янги мустақиллаш мақсадлари яширинган. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини таъминлаш доирасида барча мамлакатлар билан тенг, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Бирок, бошқа кўпбал мамлакатлардан фарқли уларок, Ўзбекистоннинг миллий гурури қучли. Агар кимдир унинг манфаатлари билан хисоблашни истамаса, бирон-бир шериклик муносабатлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бугун Ўзбекистонга тазйик ўтказишга уринаётган баъзи қудратли давлатлар чозга келган бундай вазиятдан, аввало, ўзлари азият чеқмоқда. Шунини қувончлики, бундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ўз қобилигига ўралиб қолмасдан, ақсинча, халқаро ҳамкорлигини истиқболли стратегик режаларини ишлаб чиқмоқда. Бундай муносабатларнинг ривожланишидан бошқа мамлакатлар ҳам манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон нафақат муҳим геосиёсий маъқега эга, балки минтақавий муаммоларни ҳал қилишда ҳам етакчи ўрин тутди.

Эрон Ислоҳ Республикасининг мамлакатимиздаги Факултода ва муҳтор элчиси Мухаммад Фатхалининг фикрича, демократиянинг Фарб моделини мажбуран тикиштириш борасидаги қучли ташқи тазйикларга қарамастан, Ўзбекистон ўзгаришлар жараёнида ўз йўли, қадимий маданияти, аънавалари ва халқ менталитетига содиқ қолмоқда ва сўнгги йилларда сиёсий ҳамада иқтисодий ривожланиш йўлида улкан натижаларга эришди. Минтақа мамлакатлари ички ишларига демократияни ёйиш широри остида четдан аралашши Марказий Осиёда ҳафсизликни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис бу масала бугун ҳам долзарблигига қолмоқда.

Ҳиндистоннинг Кишлоқ ва саноят ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Рашпал Малхотранинг фикрича, кўпбал ривожланган мамлакатлар тажрибаси демократик жамиятни барпо этиш узок давом этадиган жараён эканини кўрсатмоқда. Бунда ҳар бир халқнинг асрий аънавалари, урф-одатлари, эътиқоди, маънавий кадриятлари ҳисобга олиниши зарур. Чунончи, Голландияда демократик жамият 150 йил мобайнида, АКШда эса 200 йил давомидида шаклланган. Дунёда демократиянинг ягона ва универсал модели йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳиндистонлик эксперт демократия ва эркинлаштириш жараёнини, ташқи қучларнинг истиғи ёки муайян сиёсатдонларнинг қарашларидан эмас, балки халқ, унинг хоҳиш-иродаси, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шу сабабли ҳам демократияни экспорт қилиш ёки куч ишлатиш йўли билан ўрнатиш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида ўз мустақил йўли бўлиб, эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич, тадрижий равишда олиб боришмоқда. Бу йўл мамлакатда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосини ташкил этади, — деди Р. Малхотра.

Шунингдек, сўзга чиққан экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар республика аҳолиси томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса ислохотлар самарадорлиги ва муваффақиятининг асосий кафолатидир.

Анна ИВАНОВА, ЎзА муҳбири

## Иқтисодиёт ИШЧИ ҲАМДА ИШЧИ ҲАМДА ИШЧИ ЯРАТИЛАДИ

**РОССИЯНИНГ «МИЛАНА ФУД» КОРХОНАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛЕ ЭТИШ АСОСИДА ТАШКИЛ ТОПГАН «ЎЗМИЛАНА» ШЎЪБА КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН СЕРТИФИКАТЛАНГАН МАЪСУЛОТ—ТЕЗПИШАР ВЕРМИШЕЛЛАР ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТМОҚДА.**

Боиси ушбу корхона цехларида ўрнатилган Россия дастгоҳлари қувватидан умумий фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган ушбу таом тез тайёрланиши, мазаси билан талабга жавоб беради. Хозирда ушбу маҳсулотнинг 19 тури маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган бўлса, келгусида янада янги турларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

— Корхонамизда 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди корхона бош директори Зоир Холиқов. — Маҳсулотларимизга республикамизнинг барча вилоятларида харидорлар топилади. Утган йилда 180 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, қадоклашни йўлга қўйган бўлсак, бу йил ушбу кўрсаткични 3 бараварга оширамиз, яъни 540 миллион сўмлик тезпишар вермишелларни тайёрлаймиз. Албатта, уларнинг турлари ҳам бир нечтага қўядади. Қўшимча цехларни жиҳозлаб, янги ишчи ўринлари ҳам яратилади. Энг муҳими ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиршига ҳисса қўшаётганимиздир.

Шарофат БАҲРОМОВА

## Ўлчов — тежамкорликка гаров БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «TOSHKENT-ZENNER» ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ ЛЮКСЕМБУРГ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН СОВУҚ ВА ИССИҚ СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ СИФАТИ ВА БИР ҚАТОР АФЗАЛЛИГИ БИЛАН ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАЁТГАН АНА ШУНДАЙ ТОВАРЛАР БИЛАН БЕМАЛОЛ РАҚОБАТЛАША ОЛАДИ.**

Ушбу корхона тадбиркорлари фақатгина маҳсулот тайёрлаш билангина чекланиб қолмай, балки шартнома асосида совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагичларини пойтахтимиз хонадонларига ўрнатиб беришни ҳам йўлга қўйган. Аниқ ўлчовлар ва тежамкорликка катта аҳамиятга эга бўлган, сифатига яраша ҳақ тўлашда, исрофгарчиликнинг олдини олишда катта роль ўйнаган сув ҳисоблагичларнинг бир неча турлари

ган қуёш коллекторлари ана шу маҳсулот турларидан биридир.

—Ўзбекистон қуёшли ўлка бўлгани боис ҳам,—дейди корхона бош директори Вилли Хубер,—қуёш коллекторларини муваффақият билан қўллаш имконияти мавжуд. Бу энергияни тежашда катта аҳамият касб этади. Хозиргача 60 та қуёш коллекторлари ишлаб чиқардик. Бугунги кунда унинг бир нечасини болалар богчаси биноларидан бирига ҳомийлик ёрдами сифатида ўрнатиб беришни режалаб турибмиз. Ўйлаймизки, бу яхши натижа беради.


Шунингдек, корхона тадбиркорлари яна бир йўналиш бўйича иш бошладилар. Бу бугунги кунда долзарб вазифалардан бири саналган уй-жой коммунал соҳаси бўлиб, улар хусусий уй-жой мулкдорларига кўп қаватли уйлари бошқариш ишларида ҳамкорлик қилишмоқда. Хозирги кунда Чилонзор туманидаги Юқори Дархон кўчасида жойлашган 2-ва4-уйларда бинолар ишлари амалга оширилмоқда. Келгусида эса профессионал бошқарув компанияси ташкил этиб, қарамоғидаги уйлар сонини кенгайтириш кўзда тутилган. Асосий мақсад эса уйлари асраш, сақлаш, хизмат сифатини ошириш, яшовчиларда мулкдорлик ҳиссини кўчатириш, қулай шарт-шароитлар яратиш, шаҳар хўжалиги истиқболига муносиб ҳисса қўшишдир.

Излаган имкон топади, деган ибора бежизга айтилмаган ва бугунги бозорнинг талабларидан бири ҳам шу. Чунки интилган, изланган тадбиркоргина талабга жавоб беради, мақсадига эришади. Корхонада ҳам ана шу иборатга амал қилинаётгани сабаб-ҳаракатларда акс этиб турибди.

**Нозима АКРОМОВА**

**СУРАТДА: участка бошлиги Рустам Турдиматов маҳсулот сифатини таъминлашга асосий эътиборни қаратади.**

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



ишлаб чиқарилаётган ушбу корхонада сифатга эътибор қаратилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қатъий назоратдан ўтади. Утган йиллар давомида жамоа аҳли томонидан минглаб сув ўлчлагичлар йўғилиб, буортмачиларга етказиб берилди. Шунингдек, асбобнинг бир қанча бутловчи қисмларини ўзимизда тайёрлашга ҳам эътибор қаратилди.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб меҳнат қилаётган тадбиркорлар ўтган йилда асосий йўналишларидан ташқари излашлар асосида маҳсулот турларини ошириш ҳам муваффақ бўлишди. 2006 йил май ойида яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этил-

## ХАЛҚИМИЗДА «ЁЗ ЁПИНЧИНИНГНИ ТАШЛАМА, ҚИШДА ҲИШ БИЛАСАН», ДЕГАН АЖОЙИБ НАҚЛ ЮРАДИ. АЛБАТТА, УШБУ НАҚЛГА АМАЛ ҚИЛГАНЛАР ЮТСА ЮТАДИКИ, АСЛО ЮТҚАЗМАЙДИ. ШУ БОИС ХАМ ЁЗ ФАСЛЛАРИНИНГ ГАНИМАТ ДАМЛАРИДА КУЗГИ-ҚИШКИ ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРАДИ.

Тўловлар

## БУРЧИНГИЗНИ БАЖАРИНГ

Албатта, тайёргарликнинг ўзи бўлмайдик; носозликлар бартараф этилади, янги эҳтиёт қисмлар қўйилади, яроқсизлари сифатларига алмаштирилади. Бунинг учун эса, шубҳасиз керакли маблаг бўлиши лозим. Яшовчилар барча тўловларни тўлиқ бажараётган уйларда муаммо бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум. Аммо қардорлик қўлайиб, тўловлар пайсалга солинаётган бўлса, таралдув ҳам кечикиб бораверади. Шу боис ҳам коммунал тўловлардан қардор бўлиб қолганлар отни вақтида камчилигани айна муддао.



Шу ўринда ана шундай локайд хонадон эгаларига қарзларини эслатиб ўтишни лозим топдик. Энг афсусланарлиси эса уларнинг йиллаб тўламаган қарзлари ортиб бормоқда. Шундайлардан бири Ҳамза тумани, Строительная кўчаси, 110-уй, 12-хонадонда яшовчи Р.Пўлатовнинг иссиқлик ва иссиқ сув қардорлиги салкам 1 миллион сўмга яқинлашиб қолганига нима дейсиз. Шамсуддинова кўчаси, 45-уй, 25-хонадондан Р.Баниров 636 420 сўм қардор. Мирзо Улугбек туманидаги қардорликда «рекорд» қўйганлар орасида Ниёзова кўчаси, 5-уй, 85-хонадондан С.Ҳабибуллаева (873.140 сўм) ҳамда Пушкин-Салор кўчаси, 7-уй, 27-хонадондан Х.Ҳақимова (829.360 сўм), Х.Олимжон кўчаси, 10-«А»-уй, 71-хонадондан Н.Исаев (719.392 сўм), Ниёзова кўчаси, 5-уй, 28-хонадондан И.Акмалова (700.710 сўм)ларни афсус билан таъкидлаш ўринли. Шунингдек, тумандаги Толстой кўчаси, 3-уй, 19-хонадондан Э.Қушиқова 613 422 сўм, Миробод тумани, Бехтерева-Сарикўл кўчаси, 1-уй, 12-хонадондан Р.Минарова 317 240 сўм, «Қўйлик-4» мавзеси, 26-уй, 41-хонадондан З.Эргашева 331 720 сўм, Полторацкий кўчаси, 1-уй, 106-хонадондан Б.Бури-

ев 259 730 сўм иссиқлик ва иссиқ сув учун тўловларни бажаришмай юришибди.

Шу ўринда қатраси зарга қиёсланадиган, ҳаётимиз манбаи саналган совуқ сувни керагига ишлатиб, лекин тўловда бурчини унутаётганларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шайхонтохур тумани, А.Рашидов кўчаси, 13-уйдан А.Саматов 176 600 сўм, Форобий кўчаси, 37-уйдан А.Жўраев 146 100 сўм, Ибн Сино-1, 14-уй, 30-хонадондан А.Мухаммаджонов 128 070 сўм, 2-уй, 4-хонадондан Орипова 127 150 сўм, Раҳимов кўчаси, 57-уйдан Т.Султонов 116 477 сўм, Юнусобод тумани 12-мавзе, 33-уй, 38-хонадондан У.Ҳасанов 159 900 сўм, 13-мавзе, 26-уй, 8-хонадондан Ш.Турдиева 114 930 сўм, Мирҳожиев кўчаси, 6-уйдан А.Азаматов 109 260 сўм қарзларини тўламай, огоҳлантиришу чора-тадбирларни менсимай юргани ҳам улар билан ёнма-ён яшовчиларга, маҳалла-қўйга зарар келтириб, массум тайёргарлигида панд беради.

Шу ўринда ўз хонадонидан кўчага ахлат ва чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаб, лекин унинг олиб кетилиши учун сарфланаётган маблаг ва меҳнати қадрламаётган ҳамшаҳарларимиз борлигини «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси рўйхатидан билиш ва уларга қардорлигини яна бир бор эслатишни лозим қўрдик. Шайхонтохур тумани, Самарқанд Дарвоза кўчаси, 128-«А»-уйдан М.Эрматов (180 500 сўм), 194-уйдан М.Мухаммадов (132 500 сўм), С.Раҳимов тумани, Гузарбоши —Кўзор кўчаси, 7-хонадондан Б.Собиров (158 минг сўм), Бобожонов кўчаси, 13-«а»-уй, 2-хонадондан С.Нормуротов (66 минг сўм) сингари қардорлар озгина уялишса бўларди. Ахир хизматдан фойдаланган кейин, ҳақини ҳам вақтида тўлашни унутмаслик керак-ку.

(Ўз муҳбиримиз)



Мазкур тадбир шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар «Оила» маркази, Урта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар Халқ таълими бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ва бошқалар ташкилотчилигида ўтказилди. Тадбирда олимлар, маҳалла хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари ва маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда туманлардаги энг ибратли ва намунали оилалар ташриф буурдилар.

Таҳкам экан, маҳаллада тинчлик ва баҳамжихатликка эришилади. Маҳалла ва юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради» дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Бизнинг ўзлигимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга

ли оилалар иштирок этиб, улар учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Хар бир иштирокчининг чиқишларини нуфузли ҳайъат аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Шунингдек тадбир давомида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда шаҳар Адлия бошқармаси томонидан чоп этилган «Оила, жамият ва қонун» номи китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбир якунида кўрик-танлов, викторина, эстафета бўйича голиблар аниқланди, ҳомиёлар томонидан Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, «Энг намунали оила» кўрик-танлов иштирокчилари орасидан «Энг билимдон», «Энг зукко», «Энг фахрий оила» номинишлари бўйича голиблар аниқланди. Мирзо Улуғбек туманидан Эрнарзоровлар оиласига биринчи ўрин насиб этди. Энг олий ўринга эса Юнусобод туманидан Насир ота ҳамда Муфлиха ая Отабековлар оиласи сазовор бўлиб, «Энг намунали оила» деб топилди. Голибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Севимли санъаткорларнинг дилбар куй-қўшиқлари, шўх-шодон рақслар билан ўтган тадбир йилгиланлар дилини хушнуд этди.

## Тадбирлар

# ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

**15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИГА БАҒИШЛАБ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЎЛИМ ГЎШАСИ БЎЛМИШ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОГИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИГА, ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИР «ОИЛА—МУҚАДДАС ВАТАН» ДЕБ НОМЛАНДИ.**

Дарҳақиқат оила ҳар биримизнинг ички имкониятларимизни намоен этувчи азиз гўшадир. Хар бир инсоннинг маънавияти ҳам, ижод фаолияти ҳам, буюк тажрибалари ҳам аслида оилада юзага келади. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббусига биноан 1998 йил — Оила йили деб эълон қилиниб, оила манфаатларини таъминлаш борасида Давлат дастури ишлаб чиқилди. Худди шу йили «Оила» Кодекси қабул қилиниб, у мазмун-моҳиятига кўра жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни эътироф этиш ва оила манфаатларини хар томонлама му-

гамхўрлик, одамлилик, ҳалоллик, меҳру оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Тадбирда «Энг намунали оила» кўрик-танлови, «Соғлом оила» эстафетаси, «Отам, онам ва мен» мавзусида асфальтга Расм чизиш, «Оила—муқаддас даргоҳ» плакатлар кўрик-танловлари, «Ёш оила» викторинаси, «Тадбиркор оила—фаровон оила» шiori остида тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди. «Энг намунали оила» кўрик-танловига барча туманлардан ибрат-

ли оилалар иштирок этиб, улар учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Хар бир иштирокчининг чиқишларини нуфузли ҳайъат аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Шунингдек тадбир давомида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда шаҳар Адлия бошқармаси томонидан чоп этилган «Оила, жамият ва қонун» номи китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбир якунида кўрик-танлов, викторина, эстафета бўйича голиблар аниқланди, ҳомиёлар томонидан Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, «Энг намунали оила» кўрик-танлов иштирокчилари орасидан «Энг билимдон», «Энг зукко», «Энг фахрий оила» номинишлари бўйича голиблар аниқланди. Мирзо Улуғбек туманидан Эрнарзоровлар оиласига биринчи ўрин насиб этди. Энг олий ўринга эса Юнусобод туманидан Насир ота ҳамда Муфлиха ая Отабековлар оиласи сазовор бўлиб, «Энг намунали оила» деб топилди. Голибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Севимли санъаткорларнинг дилбар куй-қўшиқлари, шўх-шодон рақслар билан ўтган тадбир йилгиланлар дилини хушнуд этди.

**ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «ОИЛА—МУҚАДДАС ВАТАН» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДАН ЛАВҲАЛАР.**

**РУСТАМ ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»**

**ЯҚИНДА РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ, ГРАНТИ ДОИРАСИДА ОЛИНГАН АУДИОВИЗУАЛ УСКУНАЛАРНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛДИ. УШБУ МУНОСАБАТ БИЛАН КУТУБХОНАДА «РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИНИ АУДИО-ВИЗУАЛ УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ» ЛОЙИХАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

## Тақдимот

### ҲАМКОРЛИК

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистондаги Япония элчихонаси вакиллари иштирок этдилар.

— Бугунги кунда Республика Болалар кутубхонасининг йўналиши ва фаолияти,—деди мазкур кутубхона директори Фотима Бухарова,—Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот—кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»-ги қарорини бажаришга қаратилган. Бунинг учун болалар ва ўсмирларни мутолаага жалб этишнинг хилма хил шаклларида фойдаланилмоқда. Жумладан китоб билан видео маданиятни, электрон кутубхоналар ва интернетни интеграциялаш ва синтезлаш, уларнинг бири-бири билан жиқлашиб, ўзаро бойитиш каби омиллар ишга солинмоқда. Ўсмирларнинг маълумотини ривожлантиришдаги ўзига хосликлар ҳамда уларнинг янги коммуникатив ва компьютер кўникмаларини ҳисобга олиб, кутубхона уларга ўқиш, тинглаш, кўриш йўналишида тақдим этади. Ушбу жараёнларни янада тереқлаштириш учун Япония ҳукумати кутубхонамизга қўйилган 28,6 миллион иен бўлган қурилмаларни тақдим этди, бу эса кутубхона ишини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Биз ўз навбатида, китобсевар болажонларимиз ва кутубхонамиз жамоаси номидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Япония ҳукуматига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Шунингдек, тақдимот маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Тахасак Масакадзу, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларда маданий ҳамкорлик муҳим ўрин тутганини, дўстона алоқаларимиз келажақда ўз самарасини беришини, Иجتимоий ҳимоя йилида кўриш имкони чекланган болалар ва ўсмирларга хизмат қилиш учун мўлжалланган қурилмаларнинг ишга туширилгани айни муддао бўлганини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик натижасида, ушбу кутубхонада ахборот, интернет ва медиа-технологияни ўзида жамлаган ўта ноёб ахборот интеллектуал маркази барпо этилди. Болалар ва ўсмирлар билан ишлашда эса видеопроектлар, электрлаштирилган экранлар, DVD, видеомагнитофонлар, аудиокунайиргич ва микрофонлар билан жиқозланган ўқув ва тақдимотлар зали кутубхонанинг асосий юраги ҳисобланади. Буларнинг барчаси миллий байрамларимизни нишонлаш, танikli олимлар ва маданият арбоблари билан учрашувлар ҳамда бошқа тадбирларни янада мазмунли, жозибали қилиб ўтказишнинг имконини беради. Шунингдек, халқаро анжуманлар, тренинглар ва тақдимотлар эндиликда замонавий тарзда ўтказилади. Республика Болалар кутубхонасининг 13 минг нафар ўқувчиси бу ҳамкорлик қандай яхши самаралар беришини амалда кўришди. Улар машҳур актёрларимиз Абдор Хидоятлов, Шукр Бурхонов, Сора Эшон-тураева ва бошқа жуда кўп қўлбал машҳур санъаткорларимизнинг овозларини тинглаш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари Республика Болалар кутубхонасида республикамиз ва шахримиздаги мавжуд кутубхоналарга ҳақон ва миллий мусиқа маданияти асарларини ёзиб тарқатилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Тадбир сўнггида кутубхонага ташриф буурган меҳмонлар кутубхона бўлимлари билан танишиб чиқдилар ва ўзларининг мулоҳазали фикрларини ҳам билдирдилар.

Кутубхона доирасида ташкил қилинган «Китобим—офтобим» тўғраги аъзолари ўзларининг бадий чиқишлари, дилбар куйлари ва жозибали рақслари билан барча йилгиланларни хушнуд этдилар.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## Жамоат ташкилотларида ЁЗГИ ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

**УШБУ МАВЗУ КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СЕМИНАР-КЕНГАШИНИНГ КҮН ТАРТИБИДАН АЛОҲИДА ЎРИН ОЛДИ. АВВАЛАМБОР ТАШКИЛОТЧИЛАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ТАЪТИЛ ПАЙТИДА МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШИГА БЕВОСИТА ДАХЛДОР БЎЛГАН БАРЧА МАЪСУЛ ТУЗИЛМАЛАРНИ БИР ЖОЙГА ЖАМЛАШНИ УДДАЛАГАННИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЛОЗИМДИР.**

— Қайд этилган мавзу нечоғлиқ долзарблиги хусусида, ўйлаймизки, батафсил изоҳ беришнинг ҳождати йўқ. Муҳими — аксарият тақдир этилганлар иштирок этгани ва хар бирининг аниқ фикр-мулоҳазалар билдирганидир, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Нурилла Насимов. — Гап фақат соғломлаштириш масканлари фаолиятидаги камчиликлар ҳақида эмас. Шундай маълум бир муаммолар борки, улар тезкорлик билан, яъни мавсумий нуктаи назардан эмас, балки жиддий ёндашган ҳолда, шу жумладан тегишли манфаатдор идоралар кўмаги билан ўз ечимини топмоғи зарур.

Шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси раҳбари таъкидлаб ўтганидек, давлат ва жамоат ташкилотлари — соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқ-тартибот, транспорт, бевосита ўз негизда соғломлаштириш масканларига эга бўлган корхона-ташкилотлар, касаба уюшмалари тармоқлари, дам олиш масканлари бошлиқлари ўртасидаги бундай очик мулоқотлар биринчи навбатда муаммоларни юзма-юз

муҳокама қилиб, хато ва камчиликларни бартараф этишга ва ўз навбатида, барча оромгоҳларни мавсумга талаб даражасида ва вақтида тайёр бўлишига ҳам қулай имкониятидир.

Ташкилотчилар ахборотида кўра, айни пайтда оромгоҳларнинг моддий-техник негизини буткул янгилаш масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Албатта, мебель, бошқа жиҳозларни янгилаш учун катта маблағ керак. Шу билан бирга, шаҳар Маънавият тарғибот маркази бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев фикри билан айтганда, дам олиш ёки маънавият-маърифат хоналарини жиҳозлаш, тўғрақларни ташкил этиш масалаларида оромгоҳ бошлиқларидан фақат истак ва бироз тадбиркорлик талаб этилади, холос. Масалан, спорт ва бошқа тўғрақ анжомларини, турли адабиётларни корхона-ташкилотларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб ҳам вақтинчалик олиб туриш мумкин.

Бирок оромгоҳларни ёнги хавфсизлигига оид воситалар билан таъминлаш борасида «қарз» олиш орқали масалани ҳал этиб бўлмайди. Яхши маълумки, дам олиш масканлари жойлашган тоғлиқ худудларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни автотехника ҳаракати мураккаблиги тўғрисида бартараф этиш масаласи анча мушкул. Шу боис бирламчи воситалар доимий равишда мавжуд бўлиши шартдир. Семинарда ушбу масала аниқ ечимини топмаган бўлсада, аммо тез орада ижобий ҳал этилишига шубҳа йўқ.

Ўзаро мулоқот пайтида кадрларни танлаш ва тайёрлаш, айниса тарбиячи ва етакчиларнинг касбий малакасига алоҳида урғу бериб ўтилади. Таҳлилларга қараганда, олдинги йилларда мутлақо тақик-

ланишидан қатъи назар, бу борада мактаб ўқувчилари кенг жалб этиб келинган. Эндиликда ушбу ишга айрим олий ўқув юртлири, хусусан педагогика ва ҳақон тиллари университетлари талабалари истак билдираётганини фақат қўллаб-қувватлаш мумкин. Қолаверса, бўлажак педагоглар учун бу ўзига хос тажриба мактаби бўлади. Тартиб-қоидага кўра улар ҳам, бошқа оромгоҳ ишчи-хизматчилари каби, махсус 18 соатлик ўқув машғулотларини ўташлари лозим, зеро бугунги кунда кизиқиши кун сайин ортиб бораётган болаларнинг бўш вақтини шунчаки қуруқ гап билан машғул қилиб бўлмаслигини унутмаслик даркор. Бу борада тарбиячиларнинг хар томонлама тайёрларлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Семинарда жамоат тартиби, ёнги хавфсизлиги, санитария ва гигиена қоидалари сўзсиз таъминланишида барча тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Болажонларнинг табиат кўйидаги оромгоҳларга жўнатилишига икки ҳафтадан кўпроқ вақт қолди. Шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси маълумотига кўра, бу йилги ёз мавсумида 42 мингдан зиёд пойтахт умумтаълим муассасалари ўқувчилари Бўстонлик туманида жойлашган 25 та дам олиш масканида, 11 мингдан зиёди эса 32 та мактаб қошида ташкил этилаётган стационар оромгоҳда дам олиш имкониятига эга бўлади. Болаларнинг самарали дам олишини ташкил этиш бўйича шаҳар комиссияси қарорига биноан, барча оромгоҳлар 25 майга қадар тайёр бўлиши керак. Шубҳасиз, бўлиб ўтган семинар бу борада ўз ижобий натижасини беради.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

## ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ МЕТОДЛАРИ

**ПОЙТАХТДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ МАРКАЗИДА ОФТАЛЬМОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «МАШВА» Исроил халқаро ҳамкорлик маркази ва Исроилнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида 150 та жарроҳлик операциялари ўтказилди.

— Мазкур лойиҳани муваффақиятли ўтказиш ва кўз катарактаси, сунъий кўз гавҳари қўйиш жарроҳлик операцияларини амалга ошириш учун Исроилнинг «Тел-Хашомер» миллий офтальмология марказидан тажрибали жарроҳлар жалб қилинган,—деди Республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Асомиддин Комилов. — Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси марказининг етук шифокорлари ва исроиллик профессорлар Дан Закс, Эммануэль Швалб ва Давид Баншанлар томонидан ўтказиладиган жарроҳлик операцияларининг 70 таси фазоэмулсификация методи бўйича ўтказилса, қолганлари исроиллик профессор Блюментал методи асосида амалга оширилди.

А. Комиловнинг таъкидлашича, офтальмология соҳасида исроиллик ҳамкасблар билан етти йилдан буён ҳамкорлик қилинмоқда. Бу тиббиёт соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини беради.

«Тел-Хашомер» маркази мутахассислари иккинчи бор Ўзбекистонга ташриф буурмоқда, — деди Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ами

Мель. — Улар иштирокидаги жарроҳлик операцияларининг замонавий, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган ихтисослашган марказда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Икки янги метод асосида ўтказиладиган операциялар келгусида ёш кадрларни ўқитиш ишлари учун видео-тасмаларда ёзилди.

Элчининг таъкидлашича, операциялар учун зарур бўлган 300 килограмм тиббий материаллар «МАШВА» халқаро ҳамкорлик маркази томонидан олиб келинган. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «МАШВА» халқаро ҳамкорлик маркази томонидан ўтказилаётган бешинчи лойиҳа ҳисобланади. Ҳозирга қадар ҳамкорликдаги лойиҳалар Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз ва Нукусда амалга оширилган.

Республика кўз микрохирургияси маркази Тошкент вилояти кўз микрохирургияси маркази базасида аҳолига кўз касалликлари микрохирургияси бўйича кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказнинг маслаҳат-таълим бўлимида кунига 150 нафар беморни қабул қилиш, тўртта жарроҳлик хонасида кунига 50 та операция ўтказиш имкони мавжуд. Жўрий йилнинг апрель ойида очилган янги жарроҳлик бўлими марказда йилга 6 мингта операция ўтказиш имконини беради.

**Алоуддин ҒАФОРОВ, «Туркистон-пресс»**

## ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

**ПОЙТАХТДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ» МАВЗУИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, Ижроия девони, туман, шаҳар, вилоят Кенгашилар фаоллари, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси ва бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлардан ташриф буурган меҳмонлар ҳамда Тошкент шаҳридаги энг намунали ва ёш оилалар билан бирга олий ўқув юртлирининг етакчи қизлари иштирок этди.

Байрам дастурини Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шоира Умарова ва Фидокорлар миллий демократик партияси «Фидокор аёл» ҳаракати раиси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Василя Каримова очиб, «Халқаро оила куни» билан барча иштирокчиларни самимий қутладилар.

Тадбирда Оила куни хар бир оиланинг энг эзгу байрамларидан бирига айланishi зарурлиги алоҳида таъкидланди. Унда иштирок этган ёшларга энг ибратли оилалар ўрнат қилиб кўрсатилди. Комил инсон энг аввало оилада камол топиши зарурлиги таъкидланди.

Бундай қувончли дамларда дилтортар куй-қўшиқлар, мумтоз наволар киши қалбини янада меҳру-муҳаббатга, гўзалликка ошно этиши тайин. Шу сабаб ҳам байрам дастурида кизикчи ва эстрада юлдузларининг чиқишлари байрамга ўзига фойз бағишлади. Тадбир сўнггида Тошкент шаҳридаги энг намунали оилалар ФМДП ва Республика «Оила» илмий-амалий марказининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

## Маънавият

### БУЮК МЕРОСНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

**«ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК» АСАРИ ҚОМУСИЙ КИТОБ ЯНГИЛИК БОШ МАНБА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.**

Машҳур олим Маҳмуд Қошғарийнинг бу йирик асариди туркий, жумладан ўзбек халқининг тарихи, урф-одатлари, сўз бойлиги ва адабий мероси ўз ифодасини топган.

«Девону луготит турк»даги лингвистик атамалар» деган мавзудаги тадиқотнинг яратилиши ҳам нур устига аёло нур бўлди. У яқинда тўплам ҳолида чоп этилди.

Унда Марказий Осиёда яратилган бу ноёб ёзмада ёдгорлик муаллифи шахсияти ва унинг бой илмий мероси ҳақида ҳам китобхонларга маълумотлар берилди.

## ФОРСЧА МАҚОЛЛАР ТўПЛАМИ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИГА ДОИР ҚАТОР ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛДИ. МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТЛАР ҲАМ ЭЪТИБОРНИ ЎЗИГА ТОРТАДИ.**

«Минг бир форсча мақол ва маталлар» деб номланган тўплам ҳам фольклор асарларига қизикувчиларга яхши совға бўлди.

Янги нашр минг битта афоризмни ўз ичига олади. Айни вақтда бу фольклор намуналарини ўқувчи ёшлар онгига сингдириш мақсадида уларни ўрганишга доир методик тавсиялар ҳам ёритилган. Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўп нусхада чиқарилган бу китоб форс тилини ўрганишда ҳам услубий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

**ГОЛЛАНДИЯДА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧИҚАРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАР ТўПЛАМИДА ПРОФЕССОР СТАЛЬЯ ҚОСИМОВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ҲАМ ЁРИТИЛДИ.**

Тошкент тиббиёт академиясининг профессори ҳақида хикоя қилувчи бу мақолада олимнинг қатор монографиялари ҳам тилга олинди.

Зеро, бу таниқли педагог олима томонидан 400 га яқин илмий ишлар, жумладан 8 та монография яратилган. Унинг ишшлар синтези соҳасида ва уларнинг ҳоссаларини ўрганишдаги тадиқотлари чет эл журналларида ҳам ижобий баҳоланган.

**Акбар АЛИЕВ**

## МУҲЛИСЛАРГА ТУҲФА


**КУНИ КЕЧА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН НАШР ЭТИЛГАН ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ ВА ШОИР МУҲАММАД ИСМОИЛ ҚАЛАМИГА МАНСУБ «ЧИРОЙЛИСАН ТЕНГИ ЙЎҚ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

«Шарқ зиёкори» китоблар марказида ўтказилган ушбу тадбирда ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, муаллифининг дўстлари, китобсевар мухлислар иштирок этишди. Тақдимот маросимида қатнашган Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон, шоирлар Рустам Мусурмон, Бобур Бобомурод ва бошқа бир қатор қаламкашлар янги асардан жой олган қисса, бади ва шеърларнинг ўзига хослиги ҳақида фикр билдириш, унга ижодий парвозлар тилашди.

Тадбир катнашчилари Муҳаммад Исмоилнинг сўнгги пайтларда самарали ижод қилаётгани, китоблари ўқувчилар орасида кизикчи уйғотиб, севиб ўқилаётганини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбир давомида мушоира кечаси ҳам бўлиб ўтди. Тақдимот маросими таниқли эстрада юлдузлари ижросидаги қўшиқлар билан якунланди.

**Нурилло НЎМОМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Ёш журналистлар» клуби аъзоси**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Дўст агар ранжитса, ҳеч ранжирму дўст? Меҳр мағз эрса магар, ранж мисли пўст.

Гарчи Лукмон кул эди, кулзод эди, Хўжа эрди, таъмадин озод эди...

Бул гариб дунёда бўйла кас эди, Кўзлари ўнгида гавҳар ҳас эди.

Улки, Ху асрори бирла аржуманд, Махлуқот асрори унга не писанд?

Улки аччик, ишқ ила ширин бўлур, Улки мисдир, ишқ ила заррин бўлур.

Ишқ ила лой узра найсон бўлгуси, Ишқ ила дард узра дармон бўлгуси.

Мурдалар ҳам зинда бўлмай ишқ ила, Шоҳлар кул, банда бўлмай ишқ ила.

Ҳис кўзига соч тупроқ дам-бадам, Ул сенинг ақлингга ёв, динингга ҳам.

Тут ўзингни, этмагил журму гуноҳ, Тавба этсам гар, топарман деб паноҳ.

Ким хирож олгай йқиқ, вайронадин?

Тўни йиртиққа ямокдан очма сўз.

Майли руҳинг гумбази аъло эрур.

Ҳар неким кўп эрса, бир кун кам бўлур.

Бок, киши оби зилолга етгуча, Ерни ковлаб, тупроқ уйгайдир неча.

Чунки меҳнат сўнгида роҳат келур, Бошда аччик эрса, сўнг неъмат келур.

Нафси кўйил, ақл ила олдинга туш.

Кўзга бир кумзарра тушса, кўр қилур.

Бул жаҳонда аждаҳосиз борму ганж?

Гоҳи жоҳилдин вафо етгай, бироқ, Чўзма кўл, оқил жафоси яхшироқ.

Қайда дард эрса, даво юрғай у ён, Қай нишаб ер эрса, сув борғай у ён.

Раҳмат ичра неча раҳмат бор, ўғил, Битта раҳматга қаноат қилмағил.

Бухл занжирин кўлинг, бўйнингдан ол, Чарх аро бахтинг сенга очгай висол.

Бўри уввоси—ҳалокатга далил.

Сен баландларга кўзингни тик мудом.

Юз ўйин кўрган билур олдинни, бас, Бир ўйин кўрганга асло ўхшамас.

Қайда мазлумлар чекар бўлса фиғон, Шермардлар унда ҳозирдир ҳамон.

Гарчи шоҳсен, ўзни устун ўйлама, Гар асалдирсен, ширинроқмен, дема.

Шабпарақ дерса, куёшдир менга бош, Бул далилдирким, ўшал эрмас куёш.

Сохта пул эрса харидори маҳак, Ул маҳакмас, унга бордир шубҳа-шак.

Икки шахс юзлашса, йўқдир шубҳа-шак, Ўртада бордир муроди муштарак.

Куш учар ҳамжинси бирлан ул фақат, Сухбати ножинс магар гўру лаҳад.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Самарқанд, унинг тарихий ва маданий аҳамияти, кўна ва ҳамиша навқирон бу шаҳарнинг замонавий ўзбекистон жаҳиятида туганган ўрни, унда яшаб, ижод қилган буюк аломаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти яқинда Покистон пойтахти Исломободда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференциянинг асосий мавзуи бўлди.

«Самарқанд — ўзбек цивилизациясининг дурдонаси», деб номланган нуфузли анжуман қадимий шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланди. Учрашув «Осиё цивилизациялари уюшмаси» Покистон давлат маданий ташкилоти ва мамлакатимизнинг Исломободдаги элчионаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда покистонлик кўзга кўринган олимлар, ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари сўзга чиқишди. Маърузалар шаҳарнинг тарихи, унинг ҳозирги ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, Самарқанд билан минтақадаги бошқа шаҳарлар, жумладан, Покистон шаҳарлари ўртасида ўрнатилган тарихий алоқалар, Самарқанд ривожига беқиёс хисса қўшган давлат ва диний арбобларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Хусусан, учрашувда Исломободдаги ўзбек диаспораси вакили Ҳўз Билал сўзга чиқиб, Самарқанднинг тарихи ва ҳозирги кўни борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Олим шаҳарнинг бугунги ўзбекистон ҳаётида туганган ўрни ва нуфузи хусусида тўхталар экан, йиллардан эътиборини Самарқанд тарихидаги диққатга сазовор

даврларга, ундаги қадимий ёдгорликлар ҳамда шаҳар номини бутун оламга тараннум этган буюк инсонларга, жумладан, Соҳибқирон Амир Темурга қаратди.

— У ўз ҳарбий санъати тўғрисидаги улкан давлат яратди ва Самарқанднинг унинг пойтахти этиб танлади, — деди Ҳўз Билал. — Соҳибқироннинг амрига биноан шаҳарнинг қадимий деворлари қайта тикланди, шаҳар атрофлари қайта қурилди, бозорлар эса йирик ижтимоий савдо марказларига айланди. Илгари Самарқанддаги барча бинолар паҳса ва тахтадан қурилган эди. Амир Темур даврига келиб улар пишган ғиштдан барпо этила бошлади.

Олим, шунингдек, Самарқанд ислом дини мероси ва маданиятида ҳам муҳим ўрин эгаллашга эътибор қаратди. «Бу ерда кўлаб макбара, мадраса ва масжидлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида Гўри Амир макбараси, Шоҳи Зинда макбури, Регистон майдони, Битиконим масжиди ва бошқа осори атиқалар диққатга сазовордир. Ўзбекистон мустақилликка эришган Президент Исрол Каримов раҳбарлигида шаҳарда кенг кўламли тиклаш ва таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Амалга оширилаётган чора-тад-

бирлар натижасида Самарқанднинг ислом дунёсидаги нуфузига нуфуз қўшилмоқда», — деди Ҳўз Билал.

«Осиё цивилизациялари уюшмаси»нинг президенти Зайд Курраий хам ўз маърузасини Амир Темурнинг жаҳон ва Самарқанд шаҳри тарихида туганган ўрнига бағишлади.

— Амир Темур инсоният тарихидаги энг буюк шахслардан би-

Амир Темур — Муҳаммад Тарагай Баходирнинг ўғли бўлиб, у ўзининг бағрикенглиги, гурури ва ўткир зеҳни билан бошқалардан ажралиб турган. У дунёвий, диний ва ҳарбий илмларни чуқур эгаллаган, муқаддас Қуръони Каримни ёддан билган. Бу инсон тарқоқ ҳолдаги миллатларни бирлаштириш ҳамда дунёдаги энг йирик ва қудратли давлатлардан бирига асос солди. Самарқанд эса аъло шаддатнинг маркази эди.

Амир Темур томонидан яратилган давлат бошқаруви тизими кўп йиллар муқабилда борасидаги хизматлари ҳам беқиёсдир. Сон-саноксиз мадрасалар, масжид ва хонақоалар, бозор ва кўприклар, йўллару карвонсаройлар, ҳаммом ва ариқлар, қалъа ва турли иншоотлар айнан унинг даврида барпо этилган.

Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон пойтахти Тошкентда мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг Амир Темур ҳайкали ўрнатилди.

Амир Темур меросини буюк давлат пойтахти бўлган Самарқанд меросидан айтир ҳолда талқин этиш мумкин эмас. Самарқанд — бу муқаддас қадимки, бетимсол шошхурат рақам, ер юзининг сайқали ва абадий келажак шаҳридир.

«Жаҳон» АА Исломобод

Анжуманлар

ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ ВА АБАДИЙ КЕЛАЖАК ШАҲРИ

ридир, — деди у. — Афсуски, муайян даврга қадар унинг уллуғворлиги турли афсона ва нотўғри фикрлар билан ўраб-чирмаб келинди. Лекин, шукрлар бўлсинки, ҳақиқат эртами, кечми қарор топади. Буюк давлат арбоби, ўрта асрлар ислохотчиси, адолат тарафдори, фан ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур тўғрисидаги асл билимлар кўп юз йилликлар ичра бизгача етиб келди ва, пировардида, ўз тасдиғини топди. Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилларида Президент Исрол Каримов айнан мана шу ҳақда айтиб ўтган эди.

Самарқанд — бу Амир Темурнинг ўткир зеҳни ва ўта кенг тасавури-ни акс эттирувчи беқиёс шаҳар.

байнида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Унинг ҳукмронлиги даврида маданият, фан, меъморчилик, тасвирий санъат, музика ва шеърят гуллаб-яшнади.

Амир Темур кўшиқлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантирмай туриб давлат тараққиёт эҳтисолини яхши тушунган. Шу боис ҳам у Осиё, ҳам Европа мамлакатлари, жумладан, Хитой, Хиндистон, Франция, Буюк Британия, Усмонийлар империяси, Испания, Италия ва Миср билан муносабатлари мустаҳкамлашга интилган.

Тарихдан яхши маълумки, савдо-иқтисодий муносабатларда Амир Темур ҳайратланарли натижаларга эришган. У Испания Қиро-

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ТУР ҲАМДА УНИНГ ИШИНИНГ Пойтахт жамоалари учун омадлик келди. УНГА КЎРА, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ПАХТАКОР» ЯНА БИРИНЧИ ҲАМДА КЎТАРИЛИБ ОЛГАН БЎЛСА, «КУРВУЧИ» КУЧЛИ УЧТАЛИКДАГИ МАВКЕНИ МУСТАҲКАМЛАБ ОЛДИ.

Спорт

«ПАХТАКОР» ЯНА ТАХТДА

Мазкур турнинг марказий учрашуви Зарафшонда бўлди ва унда «Кизилкум» футболчилари биринчи поғонани эгаллаб турган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Фарғоналикларнинг икки очко йўқотишидан Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси анча унумли фойдаланди.

Жорий мавсумда ҳам чемпионлик уновини ҳимоя қилаётган пойтахтлик чарм тўп усталари тўққизинчи турда Сарюсининг «Тўпаланг» жамоасини қабул қилиб, Темур Копадзе ва Сервер Желвор томонидан киритилган голлар эвазига 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Меҳмонларнинг ягона жавоб тўпини Тўлқин Мирзаев киритди.

Олий лига дебютанти «Курувчи» сафарда «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлиб, Тошкентга уч очко билан қайти. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган учрашувда пойтахтликлар 2:1 ҳисобида зафар қўчди. Қизиги шуларки, мезбонлар дарвозасига киритилган икки голга «Бухоро» тарихида бир неча йил тўп суриб, бу йилги мавсумда пойтахтликлар сафига қўшилган Шавкат Саломов муаллифлик қилди. Бухоролликларнинг жавоб тўпи ёш ҳужумчи Анвар Ражабов ҳисобига ёзилди.

«Трактор» ва «Локомотив» ўртасида ўтказилган пойтахт «дерби»си омад тракторозлар томонида бўлди. Мазкур учрашувда мезбон сифатида тўп сурган «Трактор» футболчилари 1:0 ҳисобида ғалабага эришди.

Тўққизинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Навбахор — Наманган» (Наманган) — «Насаф» (Қарши) — 1:0, «Металлург» (Бекобод) — «Шуртан» (Ғузор) — 4:0, «Самарқанд — Динамо» (Самарқанд) — «Андижон» (Андижон) — 0:0, «Машъал» (Муборак) — «Вобкент» (Вобкент) — 4:1.

Боҳир БЕК

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 19 июнь куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларини ўтказида. Очик аукцион савдоларига қуйидаги мулк қуйилади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилири бўли томонидан 2006 йил 30 майдаги 14110-12/4-сонли ва 2007 йил 23 январдаги 1283/4-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «DELTA INVEST» МЧЖ шаклидаги ККга тегишли, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Марказ-17, 18-уй манзилида «Севзор» автолор саклаш масканида сақланиб турган 2002 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами М40-74 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—4087500 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 1 июнь куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Ҳамза туман суд ижрочилири бўлимаси томонидан 2007 йил 5 февралдаги 2253-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Ҳамза 1-берк кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган Ҳамза тумани жиноят ишлари бўйича суди ҳудудида сақланиб турган 1989 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10D19-65 бўлган «Опел Вектра» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—7 896 082 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объекти бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альяс» минибанкадаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашулари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. тел.138-69-94. Хизматлар лицензияланган (лицензия DB001-000010).

18 май — Халқаро музейлар куни

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

МУЗЕЙЛАР ХАЛҚ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ ҲАМДА САРЧАШМАЛАРИ ҲИСОБЛанади. ХАЛҚИМИЗ БЕҚИЁС БАДИИЙ МЕРОС ВОРИСИДИР. АЙНИҚСА, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БЕТАКОР ИСТЕЪДОДИ БОШҚА СОҲАЛАР КАБИ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ СОҲАСИДА, ЯЪНИ КУЛОЛЛИК, КАШТАЧИЛИК, ТЎҚИМАЧИЛИК, НАҚҚОШЛИК ҲАМДА ЁҶОЧ ВА ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИГИ, ҚАНДАКОРЛИК, ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ ТУРЛАРИДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛИБ КЕЛМОҚДА.

Асрлар давомида халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмлар, халқнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда унинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларига ҳам жавоб бериб келган. Мана шундай бебаҳо меросимизни—халқ хунармандчилиги усталар, рассомлару наққошлар маҳоратини халқимизга яқиндан таништиришда музейларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги Республика Амалий санъат музейи мамлакатимизда ўзига хос ягона музейлардан ҳисобланади. Мазкур музей асримизнинг 30-йилларида Ўзбекистонда халқ хунармандчилигининг бир неча бор ўтказилган кўргазмалари махсули бўлган халқ усталарининг энг нодир асарларининг маж-

ддий хунармандчилигининг ноёб асарлари сақланиб келмоқда. Музейни айланми, миллий ва шарқона услубда наққош билан безалган музей биноси ва унинг заллари бўйлаб саёҳат қилдик. Бино XIX аср охири меъморчилик — декоратив санъатининг ёрқин намунаси. Бинони чиройли қилиб бешазда Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент ва Риштоннинг энг яхши, қўли гул усталари қатнашган. Музей хазинасидаги бадиий буюмлар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, ўзбек халқининг маданий ёдгорликларини ривожланиш тарихини очиб беради.



Музей сифатида 1937 йилда ташкил топган. Ана шу вақтдан буён музей хазинасида халқ ба-

ддий хунармандчилигининг ноёб асарлари сақланиб келмоқда. Музейни айланми, миллий ва шарқона услубда наққош билан безалган музей биноси ва унинг заллари бўйлаб саёҳат қилдик. Бино XIX аср охири меъморчилик — декоратив санъатининг ёрқин намунаси. Бинони чиройли қилиб бешазда Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент ва Риштоннинг энг яхши, қўли гул усталари қатнашган. Музей хазинасидаги бадиий буюмлар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, ўзбек халқининг маданий ёдгорликларини ривожланиш тарихини очиб беради.

— Умуминсоният маданияти хазинасининг олдинги марраларида турмуш бў ёдгорликлар ёғоч ўймакорлигига оид, ёғочга бадиий нақш солиш, ганч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, мисгарлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, лак миниатюраси, газламачиликнинг турли хиллари (читгарлик, адрес, атлас, беқасам, кимжоб, бахмал ва бошқа) каби нодир буюмлар коллекцияларини ўз ичига олади, — дейди бизни музей коллекциялари билан таништирар экан мазкур музей директори Турғун Дустаев. — Бу бадиий асарлар ичида машҳур халқ усталари — хоразмлик ёғоч ўймакор устаси Ота Полвонов, бухоролик ганчкор уста Уста Ширин Муродов, самарқандлик уста Болта Жўраев, Умарқул Жўрақулов, қўқонлик уста Кодиржон Хайдаров, Луффулла Фозиллов, тошкентлик уста Муҳиддин Раҳимов, уста Сулаймон Ҳўжаев, уста Усмон Зуфаров ва яна юзлаб ўзбек усталарининг ишлари, ўзбек бадиий хунармандчилигини жаҳонга танитган асарлари сақланиб келинмоқда. Бу ноёб асарларни музей хазинасида музейшуно мухтаassisларимиз авайлаб асраб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, музей ўзининг фаолияти давомида Ватанимизнинг йирик маданий ва маърифий марказларидан бирига айланган. Ҳар йили минглаб томошабинлар келиб кетувчи бу маскан халқимизнинг, чет эллик сайёҳларнинг, давлат арбоблари, ҳукумат делегацияларининг сеvimли даргоҳига айланиб қолган. Шу билан бир қаторда музей ўзбек халқи амалий санъати тарихи билан шуғулланувчи мухтаassisлар, халқ усталари ва рассомларининг ижодий фаолиятини такомиллаштиришда ўзига хос бир лаборатория вазифасини ўтай келмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, бугунги кунда музейдаги мавжуд 12 та залда халқимиз яратган санъат дурдоналарини намойиш этиш билан бир қаторда, ўсиб келаётган ёш рассомлар, халқ усталари томонидан яратилган асарлар кўргазмасини ўтказишда уларга катта имкон яратиб берилмоқда.

Шу кун музейга таширф буюрган пойтахтимиз меҳмонларининг ўзбек халқ амалий санъати намуналарини ҳайрат билан томоша қилишгаётганининг гувоҳи бўлдик. Улар музей экспозициясидан ўрин олган сополдан ишланган ланглар, кўзалар, турли хил каштачилик ва зардўзлик буюмларини катта қизиқиб билан кўздан кечиришди. Меҳмонлар ҳам халқимиз ижодкор, маънавияти юксак, буюк меросга эга халқ эканлигини эътироф этишди.

Бу йил ўзининг 70 йиллигини нишонлаш арафасида турган Республика Амалий санъат музейи халқимиз айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтиришда яна узоқ йиллар хизмат кўрсатиши, шубҳасиз.

Гулором ХАМИДОВА СУРАТЛАРДА: Республика Амалий санъат музейи ҳаётидан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси бошқича-бошқича ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қуйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 07 февралдаги 1-741/2007-

сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Марказ-1 даҳаси, 24-уй, 42-хонадон манзилида жойлашган 4 қаватли уйнинг 3-қаватидаги майдони 71,43 кв.метр бўлган турар уй-жой. Бошланғич баҳоси — 134 167 596 сўм. Ушбу кўчмас мулк билан туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бе-

восита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 19, 26 июнь, 3, 10, 17 июль кунлари соат 11:00 да, ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг

АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашулари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арива ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 228-79-52, 228-84-48. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-406

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почтамини» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсон. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6